

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган

2013 йил 22 май. Чоршанба №44 (905)

www.mahallagzt.uz

info@mahallagzt.uz

ДАВРА СУҲБАТИ

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Юртимиз дунёда кўп миллатли ва кўп конфессияли, барқарор вазият ҳукм сураётган мамлакат сифатида танилган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ республикамизда барча миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган одилона инсонпарварлик сиёсати боис 130 дан зиёд миллат ва элатлар аҳлиноқ яшаб, жамиятнинг турли жабҳаларида эмин-эркин меҳнат билан бағдар.

Дунёдаги сиёсий вазиятларга теран назар ташлаган киши, шубҳасиз, биздаги барқарорлик энг улут неъмат эканини ҳис қилади. Турли мафқуравий ҳуружлар авж олиб, зуравонлик ҳаракатлари кучаяётган қалтис паллада диёримиздаги осудалик ва ўзаро тотувликни сақлаб туриш нафақат тегishi давлат ва жамоат ташкилотлари, балки ҳар бир фуқаронинг долзарб вазифаси, конституциявий бурчидир. Бу борада, айниқса, миллий бошқарувнинг бош буғини — маҳалла фуқаролар йиғинларида огоҳлик ва сергаклик билан ҳудудни идора этиш, аҳоли фаровонлиги, оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар ҳафсизлиги учун курашиш юз бериш эҳтимоли бўлган кўшлаб нохушликларнинг олдini олади, албатта.

Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Халқимизнинг бой тарихи, узоқ ўтмиши, миллий анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этган, истиқлол туфайли ўзининг ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлган ноёб бошқарув идораси — маҳалланинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Шунга мос равишда унинг вазифалари кўлами ҳам кенгаймоқда.



Яқинда янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда Президентимиз Ислам Каримов томо-

нидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган таклифлар асосида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифалари янада кенгайтирилди.

Ҳуш, янги тахрирда қабул қилинган қонун ва унда белгиланган ваколатлар фуқаролар йиғинлари мутасаддилари фаолиятида қандай аҳамият касб этмоқда? Бу ҳақда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлиномалари мутасаддилари, маҳалла фаолларининг фикрлари билан қизиқдик.

> [2]

«КОРХОНА — КОЛЛЕЖ» ҲАМКОРЛИГИ

БИТИРУВЧИЛАР БУНЁДКОРЛИК ЖАБҲАЛАРИДА

Хоразм вилоятида бунёдорлик ишлари қизгин. Айниқса, воҳа маркази Урганч шаҳри улкан қурилиш майдонига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 декабрдаги «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Шаҳарлар, ша-

ҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида кенг миқёсда яратувчанлик ишлари бошлаб юборилган. Мазкур жараёнда «корхона — коллеж» ҳамкорлиги ҳам асқотмоқда.

Битирувчиларимиз воҳанинг барча шаҳар ва туманларида давом этаётган бунёдорлик ишларида мутахассислиги бўйича фаолият олиб боришмоқда. Улар ўқиб мобайнида «Хоразмгаз», «Жанубгазқурилиш», «Ирдимзонқурилиш», «Туюм-

уйин-Урганч», «Соётқурилиш» каби ўнлаб корхоналарда амалиётларини ўташди. Амалиёт даврида иқтидорини намойиш эта олган талабалар кейинчалик доимий ишга қабул қилинадилар.

Воҳанинг энг чекка қишлоқ ҳудудларида, маҳаллаларида ҳам замонавий лойиҳа асосида кўркам ҳовли-жойлар, спорт майдончалари қад ростламоқда. Натижада курувчи мутахассисларга бўлган талаб ортапти. Шу боисдан коллежимизда 11 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

> [3]

ТИЛ БИЛАНГА ДУНЁ КЕНГ

БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Яқинда Успенский номидаги академик лицей ўқувчилари Ита-

лияда бўлиб ўтган санъат фестивалида бир қанча давлат вакиллари орасидан голибликни қўлга киритишди. Кўҳна мамлакат саҳнаси-дан ўзбекона куй-қўшиқлар, жаҳон мусиқаси классикасининг дурдоналарини маҳорат билан ижро этган юртимиз ёшлари иштирокчиларни лол қолдиришди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу юксак марраларга эришиш давлатимиз, хусусан, Президентимизнинг таълим соҳасига алоҳида эътиборлари самараси экани, жаҳоннинг ҳеч қайси давлатида келажак эгаларига гамҳўрлик бу даражада эмаслигини, узлуксиз таълим тизимидаги пухта ўйлаб ҳаётга табиқ этилган тамойиллар муваффақиятини дунё аҳли тан олаётир. Ўтаётган йилларда таълим-тарбия сифатини ошириш, муассас-

салар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш тизимини такомиллаштириш, соҳага замонавий педагогик техно-

нологияларни, хусусан, мультимедиа дастурларини кенг жорий этиш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Шу билан бирга, қонунчилигимиздаги қатор янгиликлар ҳам соҳадаги юксалишларни таъминламоқда.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши таълим тизими учун, шубҳасиз, муҳим воқеа бўлди. Ўнга мувофиқ, қисқа фурсатда чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат стандартлари ишлаб чиқилди. Ушбу механизмларни яратишда «Чет тилини билишнинг умумевропа компетанциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш» (CEFR) талабларига таянилди.

Чет тилларини 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича янги ўқув режасига кўра 1-4 синфларда ҳафтасига 2 соатдан чет тили фани киритилди. Хорижий тиллар амалдаги ўқув режага асосан, 5-9 синфларда йил давомида 510 соат ҳажмда ўқитилган бўлса, янги ўқув режада бу кўрсаткич 782 соатни ташкил этади.

> [2]

«ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — ШАРҚОНА ҲАЁТ БИТИГИ

Эртанги кунимизнинг эгалари — ёш авлоднинг ҳар томонлама пухта билим олиши, замонавий фан-техника сирларини ўзлаштириши ва энг гузал инсоний фазилатларни эгаллаши учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борада, айниқса, ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани Абдулла Авлоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳудуддаги 328-мактабнинг «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида олиб бораётган ишлари диққатга сазовор.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё



ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўтган аср бошида миллатиниш учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади», деб таъкидлаган.

> [4]

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

ҲУРЛИК ЭПКИНИДАН ЯШНАГАН МАСКАН

Истиқлол туфайли Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти эътибору эътирофини қозонди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан янгиланиб, кишиларнинг дунёқарashi, ҳаётга муносабати ўзгарди, яхши яшашга интилиши кучайди.

Навқирон Навоий вилоятида ҳам оламшумул ўзгаришлар, бунёдорлик ва яратувчанлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси азаддан саноат ҳудуди ҳисобланган вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалти-

риш омили бўлди. Айни пайтда бу ерда хорижлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 12 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Навоий ЭИИЗдаги «UzEaeCable» мастерияти чекланган жамиятида Асака заводининг «Матиз», «Нексия», «Дамас» автоуловлари учун симлар ишлаб чиқариламоқда.

«Olive Telekom» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган CDMA тармоқлари учун мобил ва стационар телефонлар, планшетли компьютерлар, USB модемлари жаҳон бозоридан ҳам муносиб ўрин эгаламоқда. Бугунги кунда компания мобиль алоқа операторлари бозорида жаҳоннинг 25 та етакчи компанияси билан ҳамкорлик қилаётир.

> [2]



ДИЛИНГ ОБОД

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

«Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғини Тошлоқ туманидаги энг намунали йиғинлардан. Бу бежиз эмас. Истиқлол йилларида маҳалла ҳаёти, аҳоли турмуш маданиятини ошириш борасида ўзига хос ўзгариш, ютуқлар қўлга киритилди. Маҳалла ахлининг яратувчанлик, янгилликка интилиб яшаш ҳисси ошди.

Кейинги йилларда пастқам ўйлар ўрнида замонавий турар-жойлар, кенг ва раван кўчалар, йўл бўйларида бир текис экилган мевали ва манзарали дарактлар маҳалла қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Кўчаларни тўлдириб қатнаётган автомобиллар хизматидан эл мамнун. Бу ерда томорқадан унумли фойдаланиш, оилавий тадбиркорлик, хусусий бизнес, хизмат кўрсатиш тармоқлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

— Маҳалламизда 3 минг 805 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғин раиси Мирзаумар Холиқов. — Ҳамжиҳатлик, аҳил-иноқлик билан бошланган ҳар бир ишимиз хайрли, баракали. Ҳалол меҳнат билан топилган даромадлар ортидан турмушимиз янада фаровон. Кейинги йилларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчилик, оилавий ажрим, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари умуман кузатилмади. Ободончилик, саранжом-саришталиқда кўлга ўрناқ бўлиб, энг обод ва намунали маҳалла сифатида танилди. Албатта, бу эътироф янада масъулият билан ишлаш, изланишга ундайди. Айни кунда маҳалламизни обод қилиш мақсадида истиқболли режалар ўстида иш олиб боряпмиз.

«Янгийўл»нинг иқлим шароитида эрталишар картошка яхши ҳосил беради. Шу боис бу ерда картошкадан мўл ҳосил оладиган хонадонлар сони тобора ортиб бормоқда. Томорқачилик ҳадисини олган хонадон соҳиблари иссиқхоналарда маҳсулот етиштирмоқда. Узоқ йил маҳалладаги 11-умумтаълим мактабида рус тили ва адабиётидан ўқувчиларга сабоқ берган муаллим Раҳмонали Юнусов 75 ёшини қаршилаган бўлса-да, қарилликка «ён» бергани йўқ. Томорқасидаги мўъжаз иссиқхонада бўғор қалампир и ва зироворлар етиштираётир. Кейинги йилларда маҳалла ҳудудида 36 та ихчам ва сардаромад иссиқхона ташкил этилди. Яна бир гап. Бу ерда эл саломатлиги учун фойдали ва даромад манбаи бўлган апельсин ва малина етиштириш тажрибаси ҳам оммалашмоқда. Омилкорлар шу тарика бир йилда уч-тўрт марта ҳосил олишяпти. Ўтган йилнинг ўзида маҳалладаги 30 дан ортиқ хонадон соҳиблари автомобилли бўлишди.

— Маҳалламизда тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян тажриба тўпланган, — дея сўхбатга қўшилди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зарифахон Масолиева. — Айни пайтда ҳудудимизда тикувчилик тармоғи ҳам ривожланиб бормоқда. Зулфия Тўрғунбоева, Мукаррам Юсупова ва Шоҳиша Жалипова сингари қўлигўл чеварлар юзлаб қизларни ёнларига олиб, касб сир-асрорларини ўргатоқда. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга амалий ёрдам берапмиз. Жорий йилнинг ўзида Заркент агросаноат касб-ҳунар коллежини битирётган Феруза Мирзаева, Санжар Тоиров ва Наргиза Маматқўлова каби ёшлар банкдан 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишди. Яқин орада маҳалламиз биноси қайта тикмирлангач, гузарда чеварлар учун тикувчилик ҳамда қандалот маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех очиниш режалаштирдик. Ислохотлар кенг қулоч ёзаётган «Янгийўл» маҳалласида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар сони аввалги йилларга нисбатан 5 баробарга камайган. Обод турмуш йилида эҳтиёжманд оилаларга 20 тадан парранда ҳада этилди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол шарофати туфайли маҳалла аҳлига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 4 км. янги йўл қурилиб, асфальтланди. 20 та савдо ва моиший хизмат кўрсатиш тармоғи ишга туширилди. Ҳозирда 3,5 километр йўлни асфальтлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш мақсадида 2,5 км. масофага қувур тортиш режалаштирилган.

Тошлоқ — Қува катта автомобиль йўли бўйида жойлашган «Янгийўл» маҳалласига ташриф буюрган киши аҳолининг яшаш тарзи, эртанги кунга ишончини кўриб ҳавас қилади, эзгу ишларга қанот бўлаётганидан қалбида ифтихор ҳис этади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИДА МУҲИМ БОСҚИЧ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

— Янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини маҳалла фаоллари орасида кенг тарғиб қилишда яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари учун ўтказилган уч кунлик ўқув-семинарлар жуда қўл келди. — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Навруз Мусаев. — Чунотчи, машғулотларда пойтахтимиздаги 476 та маҳалла фуқаролар йиғинида меҳнат қилаётган 1904 нафар мутасаддидаги ушбу қонунни амалга ошириш механизми тўғрисида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, қонунда ўз ифодасини топган ваколатлари амалга ошириш тартиб-таомиллари, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизми, маслаҳат марказларининг мақоми, йиғин ходимлари ҳамда ижро этувчи маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларни эшитиш тартиби каби мавзулар иштирокчилар томонидан қизиқиш билан тингланди. Зеро, бу йўналишлар фуқаролар йиғинлари фаолиятида қонун ус-

туворлигини таъминлаш ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга, шу жумладан, уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга, бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилгани билан аҳамиятлидир.

— Фуқаролар йиғини кенгаши-ларига аҳолини, хусусан, ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлаштиришга, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, хунармандларга бириктирилишига қўмақлашиш бўйича қўшимча ваколатлар берилгани туманимиздаги 55 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддиларига атрофлича тушунирилади. — дейди Фонднинг Ҳамза тумани бўлими раиси Ба-

рот Саломов. — Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш бўйича алоҳида норма мавжуд. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмақлашиш мақсадида масалаларни ташкил этиш ваколати берилди. Шунингдек, давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўмақлашиш, ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар ажратилиб белгиланди.

— Маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ қонунчилиги асосларини ўргатиш бўйича қисқа мuddатли курслар ташкил этишни кўзда тутди, — дейди Юнусовдод тумани «Юнусовдод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилмурод Пулатов. — Шунингдек, уларга тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериш ҳам белгиланган. Айни пайтгача қонун талабларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда маслаҳат марказлари ташкил этилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, фуқаролар йиғини тегишли ҳудуд доирасида жойлашган тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинмишида белгиланган тартибда қайли бўлиш ҳуқуқига эга бўлди.

Қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтириш бўйича муҳим ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди. Шу мақсадда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

— Янги тахрирдаги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан

жамоат назоратини амалга оширишга доир тегишли чоралар қўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш, давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш, ҳар чоракда ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш мустаҳкамлаб қўйилди, — дейди Мирзо Улугбек тумани «Олмачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъмуржон Кенжабоев. — Давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўмақлашиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар қўриши шарт эканлиги белгиланди.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йиғинининг фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан туман бандликка қўмақлашиш маркази, хусусий уй-жой муқдорлари ширкати мутасаддиларининг ҳисоботлари тингланди, — дейди Шайхонтоҳур тумани «Қамолон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Султонов. — Ҳисоботларда аҳолини қийнаётган муаммолар атрофида таҳлил этилиб, тегишли чоралар қўрилди.

— Қонунга қўра, фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин. Унинг миқдор таркиби йиғин томонидан белгиланади, — дейди Ҳамза тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хонзода Абдуҷалилова. — Масъул котиб ва кенгаш девони ходимлари фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакиллари йиғилишини), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайди. Фуқаролар йиғинининг, фуқаролар йиғини кенгашининг ва фуқаролар йиғини раисининг қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш ҳамда иш юритишни олиб бориш белгиланган.

— Қонунга киритилган янгилар фаолиятимиз учун аини мuddадоир, — дейди Сергели туманидаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Нафзат Нурматова. — Унга биноан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишидаги роли янада оширилади. Хусусан,

фуқаролар йиғини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами-ни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Шу мақсадда ажратилган давлат маблағларининг қонунда белгиланган тартибда мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлайди.

Қонунда, шунингдек, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор ҳуқуқий нормалар ҳам мустаҳкамланган.

— Янги тахрирдаги қонунни чуқур ўрганишимиз учун ақинда ўтган ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этди, — дейди Яқсарой тумани «Конституция» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Музаффар Раҳмонбердиев. — Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, йиғин ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар, хусусан, Яраштириш, Хотин-қизлар билан ишлаш, Маърифат ва маънавият, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини янада қучайтириш зарурлигини англаб етдик. Шу маънода, қонуннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, турли салбий иллатларни бартараф этишда бор куч-гайратимизни аямийлик.

Янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунни маҳалла мутасаддилари ўртасида кенг тарғиб қилиш, унда белгиланган вазифа ва ваколатлардан йиғин фаолиятини тўлиқ ҳаёдарот этиш тизим фаолияти самарадорлигига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги тахрирдаги қонун маҳалла институти нуфузини ошириш баробарида, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Толибжон НИЗОМОВ ёзиб олди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ДАВРА СУҲБАТИ

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

< [1]

Давра суҳбатида Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Конституциямизнинг 18-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Зотан, миллатлараро тотувлик ва барқарорлик бўлган жойда фаровонлик ҳукм суради.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз миллатлар ва эллар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ҳалқаро шартномаларни рўёбга чиқаришда, шунингдек, ҳалқаро майдонда этник озчиликнинг ҳуқуқларини таъминлаш принципларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва эл вакиллари йиғини аҳли яшайётгани, 140 дан ортиқ миллий-маданий марказ, 16 та диний конфессияга мансуб 2000 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритаётгани инсон қадрининг нақар улуғлигини нашо.

Давра суҳбати қатнашчилари миллий, этник ва диний тотувлик ҳамда ҳамфикрлиги таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Ҳалқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқ, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва қафолатлари шакллантирилган. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ташкилий механизм ва тегишли институциявий инфраструктура ҳам яратилган. — дейди давра суҳбати қатнашчиси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Жўмадан, ҳудудларда 3,5 мингдан ортиқ милиция таянч пункти иш олиб бормоқда. Улар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда аъзоларининг сони 51 минг нафардан ортиқ бўлган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари билан узийт ҳамкорликда фуқаролар хавфсизлигини таъминламоқдалар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва «Қамолот» ёшлар ижтимо-

ий ҳаракати билан биргаликда ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни маданий-маърифий ва спорт тадбирларига жалб этиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, болаларнинг ёзги дам олишини мароқли ўтказиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида ҳам мақсадли ишлар олиб боришмоқда. 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича 8 378 нафар маслаҳатчиси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик вакиллари билан бирга маҳаллаларда оила институтини, миллатлараро ва динлараро муносабатларни мустаҳкамлашга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларни катталарга, миллий анъаналарга ҳурмат ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни ўтказмоқдалар.

Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар натижасида жамиятимизда барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳукм сураётди. Бу, албатта, одамларнинг ақ-қироки ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда, кишиларда ҳалқимизга хос инсоний фазилатлар, ҳамфикрлик, сабр-тоқат, бағрикенглик, эзгулик, меҳмондўстлик ва самимият гула-туқис намоён бўлмоқда.

Муҳокамада давра суҳбати қатнашчилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро тинчлик-тотувлигини мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни қучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар ўртага ташланди. Бу ишга жомат биразлашган ва оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол жалб этилиши муҳимлиги таъкидланди.

Давра суҳбати якунида билдирилган фикр ва мулоҳазаалар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий шериклигининг ташкилий-ҳуқуқий механизми янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тегишли тавсия ва таклифлар билдирилди.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

ТИЛ БИЛГАНГА ДУНЁ КЕНГ

БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА



< [1]

Президентимизнинг мазкур қароридан чет тиллари фани ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ҳам қатъий белгиланган. Жўмадан, ҳужжатнинг 7-бандига қўра, қишлоқ ҳудудларида жойлашган таълим муассасаларининг чет тиллари ўқитувчилари тариф ставкасига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларидаги мутахассисларга 15 фоиз ставкалар миқдоридидаги қўшимчалар қўшиб бериллади.

Одоб турмуш йилида таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган яна кўплаб хайрли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жўмадан, ҳудудлардаги қўрилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилишида тажриба-синовдан ўтказилади. Хусусан, 1-синфларнинг «Kid's English» — «Болалар учун инглиз тили» дарслиги ва қўшимча тарзда ўқитувчи қўлама тажриба-синов учун чоп этилган ва унга мультимедиа иловалар (CD дисклар) тайёрланди. Шунингдек, «Deutsch macht spaß» — «Немис тили қувонч бағишлади» ва «Hirondelle» — «Қадиргоч» (француз тили) дарслик-мажмуалари яратилиб, синовдан ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 15 августига қадар синов-тажриба натижалари ҳалқаро экспертлар ҳулосаси асосида такомиллаштирилади ва дарслик-мажмуалари чоп этилиб, барча мактабларга етказилади.

Мухбиримиз.

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

ХҲУРЛИК ЭПКИНИДАН ЯШНАГАН МАСКАН



< [1]

«Shurtan Gaz Kimyo Majmuasi» unitar шўъба корхонаси ҳузуридаги «Polietilen qururlar» корхонаси 20 ммдан 250 мм.гача ҳажмдаги сув ва канализация тармоқлари учун полиэтилен қувурлар ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқармоқда. Завод Австрия ва Италиядан келтирилган замонавий ус-қуналар билан жиҳозланган.

Президентимиз шах депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: «Илгариги замонда «Биз кўрмаганим болаларимиз кўрсин», деган ният ва қараш, керак бўлса, армон билан ота-болаларимиз дунёдан яшаб ўтди. Бутун эса замоннинг талаби бошқача. Яъни, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт, деган шпор ҳаётимиздан чуқур жонли оқмоқда. Шу билан бирга, бутунли яшаётган одамлар, ҳалқимиз ҳаётдан рози бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, эркин ва

фаровон яшати керак», деган сўзлари юртдошларимизни ҳаяжонга солиб, янгидан-янги режалар сари рўхангитди.

— Бу фикрнинг ҳаётини ифодаси сифатида ўтган йили ёш оилалар учун Навоий шаҳрида қиймати 6,6 миллиард сўмга тенг 144 хонадонли 3 та уй-жой қурилганини айтиш мумкин, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навоий вилоят бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Бу хайрли иш Обод турмуш йилида ҳам давом эттирилиб, Навоий шаҳрида 2 та, Зарафшон шаҳрида 1 та, Учкудук туманида 1 та уй қурилмоқда ва янги уй қалталари Мустақиллик байрами арабасида ўз эгаларига топиширилади. Қишлоқларда эса 500 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жой барпо этилмоқда.

Ушбу турар-жойлар ёш оилаларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасинан ошмайдиган фойзли ставка бўйича ипотека кредитлари асосида 15 йил мuddатга берилмоқда. 2012

йилда банк муассасаси томонидан 61 та ёш оилага шундай мақсаддаги 1256,3 миллион сўм кредит ажратилди. Янги уй-жойларда қўлай яшаш шароитини таъминлаш, рўзгорга керакли жиҳозларни харид қилиш учун 661 та ёш оила 361 миллион сўм кредит билан таъминланди. Қувонарлики, Меҳрибонлик уйида тарбияланган, никоҳ ёшидаги 19 нафар йигит-қизнинг ҳар бирига ҳомийлар томонидан 5 миллион сўмлик мебель жиҳозлари совға қилинди.

Қишлоқ жойларида яшаётган 880 нафар фуқарога тадбиркорликни бошлаши, яъни сартарошлик, тикувчилик, пойабзал таъмирлаш фаолиятини йўлга қўйиш учун имконият яратилди. Вилоят бўйича ўз бизнесини йўлга қўётган 452 та ёш оила жами 4374,2 миллион сўм кредит маблағлари билан таъминланган натижасида хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кенгайиб, янги иш уринлари ташкил этилди. Умуман олганда, вилоятимизда ўтган йили кичик

корхоналар, микрофирмалар, оилавий бизнесни ривожлантириш ва бошқа соҳалар ҳисобига 40849 та янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича 510 нафар аёлга 9845,6 миллион сўм, қорамол олиши учун 196 нафар хотин-қизга 1020,2 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ис-сикхона ташкил этмоқчи бўлган 29 нафар аёл 425,1 миллион сўм, паррандачиликни йўлга қўйишни режалаштирган 31 нафар хотин-қиз 233,4 миллион сўм кредит маблағлари билан таъминланди.

— Давлат ривожининг асосий қафолатларидан бири — унда яшаётган инсонларнинг соф-саломатлиги, жисмоний ва руҳий баркамоллигидир, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Анаора Бобомуродова. — Мустаҳкам оила йилида вилоятимиз ту-манларидан 6 та ҚВП таймирланди, 16 тасида эса жорий таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Туртта оилавий поликланика замонавий УЗИ аппарати, шаҳар ва туман тиббиёт бirlаш-маларининг болалар бўлимлари эса 8 турдаги 126 та тиббий асбоб-ускуна билан таъминланди. 8 та «Тез тиббий ёрдам» бўлимига автоуол олиб берилди.

Бугун вилоят марказида бўлган киши ҳўрлик эпкинидан яшнаган гушани ўз кўзи билан қўриб, бунёдкорликлардан ҳайратланиши шўбақаси. Замонавий муҳташам бинолар, Алишер Навоий номи билан аталувчи истиродах боғи, амфитеатр биноси, Ёшлар маркази, аквапарк, «Матбуот уйи», «Бахт уйи», ёшқ суз ҳавзаси... буларнинг барчаси юрт равнақи, эл фаровонлигининг исботидир.

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига марҳамат!



Ҳўрматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловига қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатишган телекўрсатув ва радиокўрсатувлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахриратий тавсия билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови гомиллари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топиширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига деб кўрсатилган ҳолда қўидаги манзилага юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.journalist.uz

«КОРХОНА — КОЛЛЕЖ» ҲАМКОРЛИГИ

БИТИРУВЧИЛАР БУНЁДКОРЛИК ЖАБҲАЛАРИДА



< [1]

Ўқувчиларнинг давр талаблари асосида билим олишлари, касб-хунар ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё. Ишлаб чиқариш устакониси ташкил этилиб, бу ерда ўқувчилар умумқурилиш, дураторлик ишлари, газ таъминоти, жиҳозларни йилги ва таъмирлаш, қурилиш-пардозлаш ишлари бўйича ол-

ган назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб бориш имкониятига эга бўлишди. Тўрт каллали ички телестудия, 40 мингдан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, спорт майдончалари, ётоқхона, ошхона ўқувчилар ихтиёрида.

Колежimiz республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан республика миқё-

сида тажриба синов майдонига айлантирилган. Осиё тараққиёт банки томонидан имзоланган «Урта махсус ва касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасига кўра 650 миллион сўмлик компьютер ва бошқа педагогик технологиялар билан таъминланди. Муассасамизга таширф буюратган хорижий ҳамкасбларимиз ютуқларимизни, айниқса, йўлга

қўйилган корхона — коллеж ҳамкорлигини юқори баҳолашмоқда. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Мувофиқлаштириш кенгашлари томонидан воҳадаги касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни кичик бизнес, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан дастур тасдиқланган. Мазкур дастурга мувофиқ, ҳудудлардаги янги иш ўрнига эга корхоналар аниқланиб, таълим муассасаларида иш ўринлари бурчаги ташкил қилинмоқда.

Корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилиши натижасида 27 нафар ёшга ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйишлари учун банклардан кредит маблағлари ажратиш масаласи ҳал этилди. «Бутунги битирувчи — юртимиз келажигининг эгаси», «Бунёдкорлик — ободлик асоси» мавзуларида кўргазмалар ташкил қилдик. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ихтисослашган меҳнат ярмаркалари ўтказиш анъана тусини олади.

Колежimiz жойлашган Урганч

шаҳридаги «Истиқлол» маҳаласида коллеж — корхона — маҳалла ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилган. Бандликни таъминлашда уч томонлама шартнома имзоланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган йили коллежни 267 нафар ўқувчи битирган бўлса, шундан 214 нафари иш билан таъминланди. Сирож Матёқубов, Альберт Қодиоров «Энергомонтаж» МЧЖга, Жаҳонгир Саъдуллаев «Қурилиштаъмир» корхонасига, Нодир Йўдошев Янгиариқ пахта тозалаш ҳиссдорлик жамиятига, ака-ука Ҳасан-Ҳусан Олмезаровлар «Урганчлойдасервис» МЧЖга, Ҳамро Норимовов Хоразм насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасига мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиради. Бу йил ҳам 250 нафар битирувчи бандлигини уч томонлама шартнома имзолаш асосида таъминлаш масаласини ижобий ҳал этишда маҳаллалар билан ўрнатган мустаҳкам ҳамкорлигимиз ўз самарасини бериши тайин.

Машариф САИДМУРОДОВ, Урганч қурилиш касб-хунар коллежи директори уринбосари.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

Тизимли моддий таъминот — ғамхўрлик ифодаси

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар аҳоли фаровонлигининг ошиши, қулай тадбиркорлик муҳитининг юзата келишида муҳим омили бўлаётди.

Пенсия таъминоти бўйича бир қанча имконият ва имтиёзлар яратилгани аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қиламоқда.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар мамлакатимизда инсон қадрини эътиборининг юксалишига далил. Жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги қулайликлар аҳолининг миннатдорчилигига сабаб бўляпти. Мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ уларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалда, ушбу тизимда ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш эса, уларнинг аризасига мувофиқ, яшаш жойларидаги Халқ банки филиалда амалга оширилоқда. Бу, ўз навбатида, юртдошларимиз турли овозгарчиликлардан ҳалос этаётди.

Таъкидлаш жоизки, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиб қўйиш. Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисоби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида юритилмоқда.

Бу борада фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилади. Пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортдаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Ушбу тизимнинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, фуқароларнинг яшаш, иш жойи ёхуд паспортдаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақ тартиб рақами ўзгаришиз қолди ва янги ҳисобварақ очиб талаб этилмайди.

Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас. Бироқ жамғариб бори-

ладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек, учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақмидирлар.

Бу тизимда ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан, учинчи шахслар фойдасига киритилган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилашлари мумкин.

Молиявий операцияларда инфляциянинг таъсири инобатга олиниб, Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсилаштиришга нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фойзаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўлади.

Фуқароларнинг аксарияти жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлашининг тўғрилиги ҳолири билан қизиқишди. Қайд этиш керакки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечиши ва давлат пенсиясини олиш ҳуқуқининг йўқолиши ушбу тўловнинг тўғрилишига сабаб бўлади.

Халқ банкининг Бектемир филиалда 49033 нафар ишчи ва хизматчилар аниқлаётган ва жамғариб бориладиган пенсия бадалларига 3543306.9 минг сўм ўтказилди. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритиш иш беришчи пул маблағларини, кейин ушбу маблағларни фуқароларнинг ШЖБПҲда қайд этиш учун, Халқ банки филиалдаги махсус транзит ҳисобвараққа ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг жорий этилиши мазмун-моҳиятида фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни кексайдиганда ҳам моддий таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Ш.АБДУҚОДИРОВ, Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи уринбосари.

ТАШАББУС

Ободлик кўнгил ишига айланган

Шаҳрихон туманининг Тоштепа қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Қалача» маҳалласининг каттаю кичи вилоятимизда ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ўн кунлигида фаол қатнашди.



Худуддаги 560 хонадон аэролари кўчалару уйлари саранжом-саришта қилишга астойдил

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

БАЛИҚЧИЛИК

Фаолият ҳар жиҳатдан қувватланади

Балиқ халқимизда энг тоза егулик— лўқмаи ҳалол сифатида алоҳида севиб тановул қилинади. Шу боис сунгги йилларда юртимизда мазкур тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Вобкент туманининг Халач қишлоқ фуқаролар йиғинида тадбиркор Исомидин Сатторов бир тектардан зиёд шўрхок ерда ҳовуз қаздириб, балиқчилиқни йўлга қўлди. Фермер ҳавзага 7 минг донна балиқ чавогини ташлади.

— Фаолиятимиз ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани боис Халқ банки туман бўлимида 30 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳужжатларини расмийлаштиридик, — дейди И.Сатторов. — Қисқа фурсатда маблагнинг 20 миллион сўминини олддик. Йил охиригача ҳавзамизга яна 13 минг донна балиқ чавоги ташлаймиз.

«Қипчоқ» маҳалласидан Қаҳрамон Эшмуродов ҳам «Агробанк»нинг туман бўлимида олган 7 мил-

лион сўм кредит маблағи эвазига сунгги қўл яратиб, ҳавзага 6 минг донна балиқ чавоги ташлади. Тадбиркор мавсум охиригача 4 тоннадан ортик балиқ етиштириш ниятида.

— Утган йили туманимизда жами 9 та балиқчиликка ихтисослашган ҳўжалик ташкил қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги давомида яна 3 та субъект ўз фаолиятини бошлади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Вобкент тумани бўлими раиси Юнус Бобомуродов. — Айни пайтда мазкур ҳўжаликларга вилоят тижорат банклари томонидан 150 миллион сўмга яқин кредит сармоялари расмийлаштирилди.

Тадбиркор-фермерлар ишида

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»



учраётган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида уларнинг фаолияти мониторингини изчил олиб бориляпти.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш».

— Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорлиқни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштириш;

— минн технологиялар ишлаштиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асослантирилган тақлиф ва

тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

— ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли турар жойларининг ободонлаштириш борасидаги ишларнинг қўламини янада кенгайтириш;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганига ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўдрилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианты funduz@parliament.gov.uz fundmo@parliament.gov.uz электрон манзилга;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант

ХУНАРДАН УНАР

«МЕН БАХТЛИМАН...»

Бу сўзни шивирлаб эмас, баралла айта оладиган аёллар юртимизда жуда кўп



С.НАРЗИЕВ олган сурат.

Гулчеҳра Ниёзова — оддий уй бекаси. Фарзандларининг се-вими онаси, набираларининг суюкли бувиси. Ва яна оддий ёгончи гуллатган, «қуйлатган» аёл. Тажрибали, моҳир ёғоч ўймаkori. Китоб тумани Панжи қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси уни ҳўрмат билан тилаг олишининг сабаби шундан.

— Бу соҳада 35 йиллик «стажга» эга-ман, — дейди у. — Асли бу ҳўнар билан турмуш ўртоғим шугулланарди. Ёш келинман. Ушанда у кишининг буюртмалари кўп буларди. Бошида қизқиб, ҳамиша ёнарида туриб, ишларини кузатардим. Қўриб завқим келарди. Кейин ўрган-дим. Шўнчаки ҳавасдан бошланган эрмак бора-бора мақсадага айланди.

ТЎҚМОҚ, «ГЎРЗИ» ВА ИСКАНА

— Биламиз. Аёлнинг нозик қўларига илу игна ярашади. Қўрганмиз. У — каштачи. У — зараўз. Бироқ унинг тўқмоқ, «гўрзи», искана ўшлаб, ёғочга нақш солаётганига кўпмакунимизда.

— Нега ундай дейсиз? — дея хайратимизга изоҳ беради Гулчеҳра Ниёзова. — Одам қилган ишнинг одам қилиши мумкин. Гап истақда, хоҳиш ва иштиёқда. Ўғилларим, қизим бу касбни эъзозлашади. Ҳатто ҳозир кичик ўғлимнинг турмуш ўртоғи — келиним ҳам яқин кўмакчимизга айланган. Ҳўнар — ҳазина. Бу хазинани қўлга қиритганлар худди биз каби тўқис ҳаёт кечир-иш аниқ. Бўни англаган қишлоқ ёшлари «Ҳўнарингизни мента ҳам ўргатинг», деб ҳоли-жонимга қўйишмайди. Қўлдан келгача уларни ҳам ўймакорлиқнинг нозик сирларидан бохабар қилишман.

ШАҲРИСАБЗ УСЛУБИ НИМАСИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИ?

— Ёгончинг сифатлиси ёнғоқ, ўрик, тут ва чинор дарахтларидан олинади, — дейди қаҳрамонимиз. — Бир булак ёғоч ўтин, тарашага ҳам айланиши мумкин. Аммо кўзнинг нури, юракнинг қўри берилиб ишланса, сайқаланса, ундан мўъжиза яралиши аниқ. Шаҳрисабз услубида ишлаймиз.

Бу услуб бошқаларига қараганда анча мураккаб. Пардозланиши билан фарқ қилади. Гуллари катта-катта бўлади. Замини чуқурроқ олинади. Ичимиз нозик, диққатталаб. Масалан, бир ус-тунга нақш солиш учун 50-60 хилдаги турли асбоблардан фойдаланамиз. Ҳато қилишга ҳақимиз йўқ, Гули сал бузил-са, ҳамма иш бекор бўлади, ёғоч зое кетади. Шўнинг учун, аввало, кишида ишга меҳр бўлиши керак.

Қилаётган ишинингиздан завқ олсан-гиз, унинг оғирлиги ҳам бўлинмайди. Ҳатто бир йили қўлимга озроқ жаро-

ҳат етди. Шўнда жуда хафа бўлганман: наҳотки энди бу касб билан шугуллана олмайман, деб. Худого шўкр, ҳаммаси изга тушиб кетди.

БҮЮРТМА КЎП, РЎЗҒОР БУТ

— Рўзғордаги барака, аввало, ҳам-жиҳатликда, тинч-тотувликда, — дея гап-да давом этади ҳўнарманда аёл. — 54 ёшга кирдим. Кўп жойларни кўрдик. Ишладик. Эшитганимиз раҳмат, олган-нимиз дуо бўлди.

Ҳозиргача буюртмалар кўп. Махсу-лотимиз бозорда чанг босиб қолмайди. Қаридорлар дарров олиб кетишади. Даромадимиз ҳам ёмон эмас. Ҳаётимиз тўқис. Фарзандларимиз эл хизматда. Шўда бир аёлнинг, инсоннинг тошпан бахти!

МУЗЕЙДА ХОРИЖЛИКЛАР...

Ҳўнармандлар Олим Тўраев ва Гулчеҳра Ниёзова хонадонларида музей ташкил этишган. Бутун у ердаги мил-лий қадриятларимизни ўзида акс эт-тирган лаган, товoқ, тошойна, лавҳ, қаламдон каби турли ҳўнармандчилик буюмлари келиб-кетувчиларга завқ улашмоқда.

Ёшлар бебаҳо бобомерос қадрият-ларимиз ҳақида тушунчага эга бўляп-ти. Музейга юртимизнинг турли гўша-ларидан ва ҳатто хорижликлар ҳам тез-тез ташриф буюришади.

— Уларнинг қўвончи, ҳайрати, ай-тадиган илқ таппарлини эшитганда, бар-ча чарчоқларинг чиқиб кетади, — дей-ди суҳбатдошим. — Ўзингни янада бахт-ли ҳис қиласан киши.

Бахт. Бу сўзнинг қамрови кенг, маз-муни чуқур, моҳияти инсон билан боғ-лиқ. Юртимизда эса фарзанда, оила ва рўзгор ташвишларидан ортиб, Ватани-миз тараққиёти йўлида жамиятимиз-нинг барча жабҳаларида эркакалр бил-лан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган ва «мен бахтлиман», дея шивирлаб эмас, баралла айта оладиган иқболи баланд аёлларимиз жуда кўп. Моҳир ёғоч ўйма-кори Гулчеҳра Ниёзова ҳам ана шу-лардан бири. Бу унинг юзида, қўзлари-да, айтаётган тап-сузларида, қилаётган ишларида акс этмоқда.

Назарали ТИЛАЕВ, журналист.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидати 52-умумий ўрта таълим мактабининг тербли муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАНЛОВ

«Қайнонам — онам менинг»

«Маҳалла» хайрия жа-моат фонди Косон тумани бўлинмаси ҳамкор ташкилотлар билан бирга-ликда «Қайнонам — онам менинг» номили танлов ўтказди.

Уч босқичли синов асосида ўзла-рининг оқиллиги, ширин сўзлиги, вазиятга холис баҳо бера олиши билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган «Жизза» маҳалласида яшовчи Дирабо Холмбутаева 1-урин-ни, «Айропчи» маҳалла фуқаролар йиғинидан Гулмира Эшонқулова 2-уринни эгалади. Учинчи ўрин эса «Нартичқукур» маҳалласи келини Мехрия Темировага насиб этди.

Х. БАФОВЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Косон тумани бўлинмаси бош мутахассиси.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

ХАЛҚАРО ТУРНИР

БУ БИР ЭЛКИ, БАҲОДИРИ МАҒЛУБ БЎЛМАГАЙ...



Ф. АБДУРАХИМОВ (3-й) олган сурат.

Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XI халқаро турнир бўлиб ўтди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими, халқаро турнирни ўтказиш Республика ташкилий қўмитаси раисининг уринбосари Нормунин Чориев, Халқаро кураш ассоциацияси ва халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси Ирина Шевинска (Польша), Халқаро кураш федерацияси раиси Комил Юсупов сўзга чиқди.

Президентимиз ташаббуси билан халқаро спорт тури мақомини олган миллий курашимиз дунё бўйлаб кенг қулоч ёзмақда. Бугун ўзбек кураши нафақат Осиёда, балки Африка, Европа, Панамерика ва Океаниядаги 120 дан зиёд давлатда оммалашмоқда. Болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар юқори савияда ўтказилаётган.

Бу галги халқаро турнирга юртимиз полонлари билан бирга, дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар ғилмага чиқди. Бахсларда 66 кг. вазн бўйича 20 нафар, 81 кг. вазн бўйича 19 нафар, мутлақ оғир вазнда эса 30 нафар полон курашди.

66 кг. вазндаги полонлар баҳсида туркменистонлик А.Жураев, С.Фозилов,

Хитой тайпейлик Ч.Х.Ченг, тайландлик С.Каемпинг каби курашчилар ўзбек курашини нақадар пухта ўзлаштирилганликларини намойиш этишди. Финалда ҳамюртимиз Ш.Лутфуллаев қозғистонлик Р.Абдуразақовнинг курагини ерта теккизиб, жаҳон чемпиони бўлди.

81 кг. вазндаги спортчилар баҳсида ҳамюртларимиздан Р.Саидов, Ш.Жураев, А.Холиёров, И.Жураев, Э.Асадов, Б.Болтабоев шунингдек, тожикистонлик И.Жамшидий, исроиллик П.Петер, украинлик С.Гура, конголик А.Этсалааларнинг чиқишлари томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди. Айниқса, Б.Турабоев ва қозғистонлик У.Кенекхоннинг олишувлари барчанинг диққатини тортди. Бехзод полон бир дақиқа ичида рақибини йиқитиб, олтин медални қўлга киритди.

Мутлақ вазнда таниқли полон, Амир Темур хотира турнири ғолиби С.Убайдуллаев финалда тожикистонлик П.Собилов билан курашиб, ғолибликни қўлга киритди ва бош соврин — олтин медалга сазовор бўлди.

Муҳаммаджон АЗИМОВ «Mahalla»

ИБРАТ

Қари билганни пари билмас



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Эзулик, олижаноблик, меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби тушунчаларнинг пой-девори оилада қарор топади. Ҳақиқатан ҳам, бола маънавий оламининг шаклланишида оиладаги муҳитнинг аҳамияти катта. Тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун, аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий муҳитни ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, инсоний муносабатлар асосида қуриш керак. Обод турмуш йили муносабати билан Юнусовда туманидаги «Минг урик» маҳалласида «Қари билганни пари билмас» мавзусида тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирга эллик йилдан зиёд умргузаронлик қилаётган ўн нафар қўша қариган отахон ва онахон таклиф этилди. Шунингдек, унда туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, олий тоифали шифокор ва психологлар, катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла фаоллари, энг намунали ёш оилалар иштирок этишди.

— Маҳалламиздаги икки

мингтача оилада олти минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлула Обидова. — Азадан ёши улуг кишиларнинг паё-насиҳатлари билан иш қўриш авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналаримиздан бири ҳисобланади. Тадбирга таклиф этилган қўша қариган отахон ва онахонларимиз фарзанд тарбияси, қайнона-кекин муносабатлари, рўзгор тутими сир-асрорлари ҳақидаги тажрибаларидан сўзлаб беришди. Оилада маънавий-ахлоқий тарбияни қай йўсинда олиб бориш, нотинч оилалар сонини камайтириш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни борасидаги билимлари билан ўртоқлашишди.

Дарҳақиқат, оилалар мустақамлиги, яхши қўшничилик муносабатлари, фарзандлар тарбияси, уларни касб-хунарга ўратиб турмушимиз барқарорлигининг гаровидир. Албатта, бундай тадбирлар маҳалалардаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатларига барҳам беришга ҳамда оилаларда тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

«ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — ШАРҚОНА ҲАЁТ БИТИГИ

< [1]

Мазкур даъват фуқаролар йигинлари ва таълим муассасалари мутасадди раҳбарларига, қолаверса, ҳар бир кишига ёш авлод тарбияси мамлакатнинг истиқбол учун энг муҳим амаллардан бири эканини аниқлайтирилади. Шу боис таълим муассасаси ва маҳалла фуқаролар йигинлари ўртасида олиб борилаётган ишлар қўламини тобора кенгайтириб, мазмунан бойиб бораётган.

Чунончи, ҳудудда истиқомат қилувчи ўқувчиларнинг маънан етук инсон бўлиб вояга етишларида ўқитувчи-мурабийлар қаторида маҳалла фаоллари, йигин қўшида жамоатчилик асосида фаолият юритаётган комиссия аъзолари астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бу эса, ёш авлодининг замон талаблари даражасида таълим олиши, мунтазам равишда спорт билан шуғулланишига янада кенг имкониятлар яратди.

— Йигинимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа гайриниғжтимоий хатти-ҳаракатлар кузатилади йўқ, — дейди маҳалла раиси Гулбаҳор Ҳасанова. — Бундай натижаларга эришишимизда «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги

қўл келмоқда. Мазкур ҳамкорлик доирасида олти таълим муассасаси билан мунтазам иш олиб борамиз. Таълим муассасалари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Ёшларнинг ёт гоилар таъсиридан сақлашда оила ва ўқув муассасасининг ўрни», «Уч авлод учрашуви», «Бахтли келажак сизларники, болалар» сингари тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Қолаверса, ота-оналар мажлисларида иштирок этиб, ўқувчилар ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдиришимиз.

Фарзанд тарбиясига салбий таъсир қўраётган ота-оналарни аниқлаш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиб, тўғри йўлга бошлаш, нурунийлар ва ота-оналар орқали ўқувчиларнинг ташаббускорлигини ошириш, миллий ғурур, миллий гоя, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик каби фазилатларни онгу тафаккурини сингдириш учун таълим муассасалари ҳамда маҳалла фаоллари ташаббуси билан турли курик-танловлар, спорт мусобақалари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

— Бундай тадбирларда маҳалла фуқаролар йигини билан ҳамкорлик ишларини янада кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди, — дейди Миробод туманидаги 328-умумтаълим мактабининг маънавият ва маърифат

ишлари бўйича директор уринбосари Гулҳебра Умарова. — Ушбу ўқув йилида 9-синф битирувчилари учун «Касбим — фохрим», «Мен севган касб», «Келажакда мен эгаламоқчи бўлган касб» мавзуларида учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Миробод касб-хунарга коллежи, Республика эстрада цирк коллежи, Тошкент фармацевтика институтини қўшидаги академик лицей ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумотлар берилган тадбирларда маҳалла фаоллари, ота-оналар фаол иштирок этишди.

Бундай тадбирлар мактабдаги мавжуд тўғрақларда ўқувчилар томонидан тикилган, тўқилган буюмлар, чиқилган расмлар, ясаган уй-рўзгор ашёлари кўргазмаси билан янада файзли ўтаётган. Кўргазмаларда қизлар қўл меҳнати билан бажарган ишларини изоҳлаб бердилар ва ўзлари қизқичлиқ касб-хунарга муносабатларини билдирилди. Ўғил болалар ясаган буюмларнинг иштирок ва пухталиги, уларни тайёрлашда қайси хонадонлардан фойдаланишгани ҳақида гапириб бердилар.

Муҳтасаб айтганда, ёшлар тарбиясига масъул ота-оналар қатори маҳалла фаоллари, қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасаларининг ўқитувчи ва мурабийлари ҳиссаси ҳам ортмоқда. Шунингдек, ёш авлод

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ ТОНАДИ

ОИЛА ТИНЧИ УЙНИНГ ФАЙЗИДИР

Акроннинг (исми ўзгартирилган) ичкиликка ружу қўйганига сабаб оиладаги муаммоларнинг кун сайин ортиб бориши эди. Оиланинг кенжа фарзанди бўлгани учун акалари ҳар кун мерос илнжидида уйдан қадам узишмас, отасидан қолган ниманки бўлса, эга чиқишга уринишарди.

Кунора қондошлар аризмас муаммоларни деб, «сан-ман»га боришарди. Бу ҳолдан Акрон тушқунлик ва аламзадалик ёнда қўрулиб боради.

Маҳалла фаоллари бир неча бор уни ичкиликдан қайтаришга уриниб қўришди. Лекин нафти бўлмади. Йигини ҳузурдаги Яраштириш комиссияси аъзоларининг ака-укалар ўртасидаги низоли бартараф этиш учун қилган ишлари ҳам самара бермади. Ёшлигида оиладаги тарбиянинг сустлиги оқибатда бир инсон ҳаётининг издан чиқишига сабаб бўлди.

...Шу кун Акрон ичиб келди. Остонада катта акасини қўриб, бироз энсаси қотса-да, сездирибди.

— Келинг, ака, — деганча уни уйга чорлади.

Дастурхон атрофидаги қўлоқ сўхатини ака-ука бузгиси келмас, анчадан бундан бундай мароқ билан гаплашишмаганди. Аммо ака ниятидан гап очибга сўзга эгди.

— Энди ука, биласан. Катта жияининг ҳам уйлантирганимизга кўп бўлди. Шунинг учун отамдан қолган томорқани иккига бўлсак. Яримда ўғлим, яримда сен яшасанг.

Кайфи тароқ эмасми, бу гапдан Акроннинг энсаси қотиб ва қаҳри келиб деди:

— Э, менга қара, тилинг чиқиб қолди, а? Томорқага эгалик қилиш ҳуқуқини йўқ. Отам ҳеч қандай васиятнома қолдирмаган. Бизнинг розилигимиз билан мулк номинга ўтказилиши мумкин.

Бу гаплар Акроннинг газабини баттар алағалатди ва у дастурхон четигади пичоқ билан акасига ташланди. Қўз оди қоронғилишиб, нима қилётганини билмаган Акрон қон ҳидидан узиға келди. У акасини жароҳатлаган эди.

Мерос илнжидида ака-укаларнинг орасига тушган совуқлик натижасида бири соғлиқдан, иккинчиси эса ҳаётининг бир қисмидан айрилади.

Жиноят жазосиз қолмади. Суд Акронни маълум муддатга озодликдан маҳрум этди. Бир оила отасиз, боқувчисиз қолди.

Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, аҳолининг осойишталиги ва турмуш ободлигини таъминлаш мақсадига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Оилалар фаровонлиги маҳаллалардаги соғлом муҳитга боғлиқ. Ҳуқуқий, маънавий юксалиш ёхуд бушлиқнинг илдизи фуқаролар йигинига бориб тақалар экан, бу каби салбий оқибатларга қўз юмиб бўлмади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг уринбосари Гавҳар Алимова.

— Аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, оилалардаги тинч-тотувликни таъминлаш мақсадига қатор самарали тадбирлар режаси жорий этилган ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида виллоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда 132 минг 500 дан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Уларга 9 минг 400 га яқин фуқаролар йигинлари қамраб олинди, 8 миллион нафардан ортиқ аҳоли жалб этилган. Кишиларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга доир 180 мингта яқин тадбирлар ташкил этилишида маҳаллаларга устулви ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Оилада соғлом муҳитни қарор топтириш, ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор бериш, уларни турли сабабларга қўра жиноят оламига қариб қолиши ҳолатларини бартараф этиш устувор вазифалардан бири. Бунинг учун эса асосий

иш маҳаллалар зиммасига тушади. Аввало, фуқаролар йигини ва Яраштириш комиссияси аъзолари содир этилган жиноят оқибатларини таҳлил қилиб, келиб чиқиш сабабларини ўрганиши лозим. Олди олинмаган муаммолар аниқлашиб, бундай ҳолат бошқа хонадонларда ҳам қўзатилаётган бўлса, вазият салбий томонга ўзгармасидан уни ҳал қилиш талаб этилади.

— Жиноятчиликни камайтириш мақсадига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган, — дейди Г.Алимова. — Маҳалла фуқаролар йигини раислари, йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Яраштириш ва Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари аъзолари маҳаллада истиқомат қиладиган ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий аҳволини, турмуш тарзини ойда бир марта ўрганиб боришади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасалари шифокорлари билан гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларга ружу қўйган шахслар яшайдиган оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларга ижтимоий, иқтисодий ва тиббий масалаларда ёрдам кўрсатиш ҳам маҳалла олдига турган устувор вазифалардан бири. Қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан жазони ижро этиш муассасасидан озода этилган шахсларнинг юриш-туриши, оиласидаги аҳвол мунтазам назоратга олинади ва керакли таърибий тадбирлар уюштирилади. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактикаси ходимлари билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатиб ҳам жиноятчиликка чек қўйишда муҳим омилдир.

Дарҳақиқат, жонажон юртимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, манфаати олий қадрият даражасига кўтарилган. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколати кенгайиб бораётгани замирида ҳам оилалардаги соғлом муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, фаровон турмуш тарзини шакллантириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдек эзгу мақсад мужассас.

Баҳодир ҲАЛИМОВ «Mahalla»



Давомли қўпоровчилик

Ироқда кетма-кет содир этилган портлашлар оқибатида 34 киши ҳаётдан қўз юмган.



Айниқса, Бағдодда бир йўла тўққиз марта портлаш кузатилган. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабарига айтилишича, бомба автобус бекаги ва бозор яқинида қолдирилган машиналарга

ўрнатилган. Бу ерда 24 киши ҳаётдан қўз юмган ва 112 киши жароҳатланган.

Бундан ташқари, Басра шаҳридаги икки портлашда унга яқин киши ҳалок бўлган ва 27 киши жароҳат олган. Фожиа ресторан ва автобус бекаги яқинида содир этилган. Ҳозирча портлашларни ҳеч бир гуруҳ ўз зиммасига олмаган.

БМТ маълумотларига кўра, апрель ойида содир этилган қўпоровчилик ҳаракатлари оқибатида 700 дан зиёд киши ҳалок бўлган. Бу кўрсаткич сон жиҳатидан сўнгги беш йилдаги энг катта қўрбонлиқдир.

Уч кунда беш синов

Шимолӣй Корея уч кунда қисқа масофага учадиган бешта ракетани синовдан ўтказди.



Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги маълумотиға кўра,

бешинчи ракета душанба кунӣ эрталаб учирилган.

Пхеньян узининг шарқий соҳили томон шапба кунӣ учта ва яқшанба кунӣ битта ракета учирган эди.

Шимолӣй Корея бу ҳаракатини мамлакатни ҳимоялаш ва мудофаа тизимини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳарбий амалиётлар эканини таъкидлаган.

Февралда учинчи ядровий синовни ўтказгани сабабли БМТ бу давлатга нисбатан санкцияларини кучайтирган.

«Евровидение — 2013»:

голиб аниқланди

Швециянинг Малмё шаҳрида ўтказилган «Евровидение — 2013» танловида даниялик Эмме-ли де Форест голиб чиқди.



«Only Teardrops» қўшиғини ижро этган 20 ёшли Эмме-

ли узининг 25 нафар рақибини доғда қолдирди. Даниялик қўшиқчи 281 балл жамгарган. Иккинчи ўринни «Hold me» қўшиғи билан 234 балл йиққан озарбойжонлик Фарид Мамедов эгаллади. Учинчи ўрин эса 214 балл жамгарган украинalik Злата Огневичга насиб қилди.

«Евровидение» танлови дунёда энг томошабон тадбирлардан биридир. Шоуни жонли эфирдан 600 миллион киши томоша қилади.

Интернет хабарлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

нинг маънавий-ахлоқий, маданият-маърифий жиҳатдан етук, юрт қорига ярайдиган шахслар бўлиб шаклланиши учун бой тарихга эга халқимизнинг таълим-тарбияга оид унвон меросидан унумли фойдаланган ҳолда,

уларнинг онгига инсонпарварлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик туйғулари сингдирилмоқда.

Нурилла ЧОРИЕВ «Mahalla»



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-10-73



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ. Саҳифаловчи: А.Мейликов Мусахҳиҳ: Н.Азимова Навбатчи: Т.Низомов Нашр навбатчиси: Н.Хайдаров Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.